

Халк амалий санъатининг энг оммабоп ва кенг таркалган турларидан бири дўппи бўлиб, у эркаклар, аёллар ва болалар миллий кийимининг ажралмас таркибий кисми хисобланади. Дўппини эслатувчи бош кийимларнинг кадим ўтмишда ҳам мавжуд бўлганлигини тасдиқловчи далилларни археологик ёдгорликлар, деворий ёзувлар, терракота хайкалчалар, XV-XVI асрларга оид шарк миниатюраларида кўришимиз мумкин. Панжикент тасвирий санъатида ҳам бир нечта бош кийим тасвирлари сақланиб қолган.

Мовароуннахр (XV-XVII асрлар) ва Самарканд (XVI асрнинг биринчи ярми) миниатюраларида аёлларнинг турли-туман бош кийимлари учрайди. Киз болалар ва ёш аёллар гардишли, қавилган думалок бахмал дўппиларни афзал кўрганлар.

Дастлаб дўппилар конуссимон ва кенг хошияли бўлган, уларни салла остидан кийишган. Кейинчалик ўткир учли, конуссимон, яримшарсимон, думалок, тўрт қиррали дўппилар тикила бошланди. Дўппиларнинг кенг таркалгани тўрт қиррали, бир оз конуссимон шаклдагиси хисобланади. Ёркин ранглар билан безатилган дўппилар нақш гулларининг нозиклиги ва гўзаллиги билан ажралиб турган. Безакларнинг кўплаб композициялари мавжуд бўлиб, улар авлоддан-авлодга ўтиб, доимий равишда янгиланиб борган. Дўппиларни безатишнинг бой тизими халкнинг маънавий ҳаёти, ҳулк-атвори ва поэтик дунёкараши билан узвий боғлиқдир. Кашталардаги нақш услубининг асосий белгилари Ўрта Осиё амалий санъати ва ўрта аср миниатюраларида ривож топган бой нақшу нигорларга ўхшаб кетади.

Ислом динининг тирик мавжудотларни тасвирлашни ман этиши ўз-ўзидан кашталарда аксарият ҳолларда ўсимликлар, гулларнинг тасвирланишига олиб келди. Ўсимликлар тасвири кўпинча ёркин рангдаги қушчалар тасвири билан жонлантирилган. Қуй шохлари мотиви қўшалок спирал қатордан иборат бўлиб, жияк ёки хошияловчи безак сифатида қатор барглар шаклида учрайди. Бу қадимий мотив кўпгина туркий халқларда тарқалган бўлиб, у бутун борлик, доимий ҳаракат тимсоли хисобланган. Баъзида бу мотив бир вақтнинг ўзида бир нечта тимсолларни, масалан, қўйнинг буралган шохлари ва бир-биридан тармоқланган жуфт ўсимлик жингалаларини эслатади.

Дўппилар орнаментида тўлганиб турган илон тасвири кенг тарқалган. Буни қадимда илоннинг сеҳрли қучи тўғрисидаги тасаввур ҳамда илонга сизгиниш билан боғлиқ деб тахмин қилиш мумкин.

У ёки бу минтақада дўппиларнинг муайян типи яратилишига факат табиий шарт-шароитлар эмас, балки шу минтақада вужудга келган ва сақланиб қолган анъаналар, ҳўжалик ва маданият ривожланишининг умумий даражаси ҳам таъсир кўрсатган.

Фаргона водийси, хусусан, Чует, Андижон, Маргилон, Кўкон шаҳарларида тайёрланган дўппилар келиб чиқишига кўра дастлабки дўппилар хисобланади. Тепа кисми қорси бўлган бу дўппилар тахланганда учбурчак шаклга келган. Бу дўппиларга улар яратилган шаҳарлар-нинг номлари қўшиб айтилган: «тус (Чуст) дўппи», «кўкон (Кўкон) нусха», «андижон (Андижон) нусха» ва х.к. Самаркандда дўппи «калпок», «калапок» деб аталади, бошқа жойларда эса (Тошкент, Фаргона водийси, Хоразм ва х.к.) «дўппи»

атамаси кенг таркалган. Махаллий дўппиларнинг 5 та асосий гурухи фаркпанади: Тошкент, Фаргона, Самарканд, Бухоро ва Хоразм. Хар бир типнинг айрим турларида жуда аник махаллий фарклар сезилиб туришига карамай, хар бир гурух асосида умумий услуб хусусиятлари, нақшнинг умумий мотивлари ётади.

XX асргача услуби ва турларининг кўплиги билан ажралиб турган Тошкент дўппиларининг шаклланиши маълум даражада шаҳар аҳолисининг этник таркибига ҳам боғлиқ эди. Бу ерда турли бадийий услублар, янги техника, янги каштачилик усуллари ишлаб чиқилар ва бу ердан Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига тарқалар эди. Тошкент дўппиларининг баъзи бирлари «чакматўр» техникаси бўйича тикилган бўлиб, уларнинг асоси катакчаларни ҳосил қилувчи майда нукталар билан безатилган. Бу нукталар доимо ок рангдаги ипак билан тикилган. Дўппининг бу тури шимолий Тожикистон элементларининг (безак, ранглар уйғунлиги, дўппининг тўғри чизиклар билан тўртта тенг бўлакка бўлиниши) Кўкон ва Тошкент дўппиларида учрайдиган (безакни ўраб турган нукталар) элементлар билан бирга қўшилиши сифатида 1920 йиллардан кейин пайдо бўлган. Кейинчалик бу нукталар бутун тарх бўйича тикилиб, безаклар ўртасидаги ҳамма оралик тўрчалар билан тўлдирилган.

«Чаманда гул» безаги кенг таркалган бўлиб, у гуллари барқ уриб гуллаган бутокча тасвиридан иборат бўлган, кўпинча унинг шохларида яшил ва қўқ кушчалар тасвирланган. 1940 йилларда «кизил гул» деб аталган тошкент дўпписи кенг тарқалди, у «чаманда гул» дўпписи билан умумий услубий белгиларга эга бўлганлиги сабабли ҳам унинг бир тури ҳисобланади. «Кизил гул» дўпписи учун дўппи гардишининг қора рангдаги жияги фонида яққол ажралиб турадиган қуюқ, равшан ва ёрқин мажор қолорит ҳос. Безак композицияси 4 та бир хил қўшалок элементдан тузилган бўлиб, дўппи тўрт бўлагининг хар биттасида биттадан элемент жойлаштирилади. Безак қатталиги бир хил бўлган анча йирик иккита тўпгулдан иборат, улардан бири дўппининг гардишига, иккинчиси эса тубига жойлаштирилади. Битта намунада бир нечта турли чокдан фойдаланилади. Тўпгул баланд қаварик кашта тикиш усулида бажарилади, бунда фойдаланиладиган пахта тағлиқ ҳажмийлик эффеқтини яратади; тарх «қанда ҳаёл» чоқининг қаварик юза ҳосил қиладиган тури билан сидирғасига қопланади.

«Кизил гул» дўпписи бадийий жиҳатдан жуда қиройли, ранглари ҳам ёрқин ва ярқирок бўлиб, малина рангидаги тўпгул барглариининг турли тусдаги яшил ранги ҳамда тўпгулни янада жиқолантириб турадиган оч-яшил ёқи оппоқ тархи билан ажралиб туради. Гардиши тўқ-қора рангдаги баҳмал билан айлантриб тикиб чиқилади.

XX асрнинг 50-йилларига қелиб Тошкентда ишлаб чиқилган ва ҳоқ шаклидаги чок билан тикилган дўппи айниқса оммалашди. Бу дўппи безагининг асосий элементини ён томонда тасвирланган атиргул бутоғи ташқил этарди. Атиргул одатда тўқ-кизил ипак билан тикилган, тўқ-пушти рангдан ҳам фойдаланилган. Аксарият ҳолларда ок, баъзан оч-яшил рангдаги тарх ҳам сидирғасига тикилади.

Тошкент ироқи дўппиларининг илк намуналарида атиргул бирмунча йирик бўлиб, дўппи тепасининг анчагина қисмини эгалларди, кейинчалик кашталарга бошқа мотивлар ҳам қиритилди, яъни гул композициясига ипак қурти қапалақларини қирита бошладилар ва бу безак «қапалақ нусха» номини олди. Атиргул билан бир қаторда композициянинг асосий мотиви сифатида дўппи марказида йирик гул — сарғиш-сиёҳрангдаги қапалақгул

пайдо бўлди. Бу дўппилар учун безак элемент-

колорит хос. Безак композицияси 4 та бир хил кўшалок элементдан тузилган бўлиб, дўггаи тўрт бўлагининг ҳар биттасида биттадан элемент жойлаштирилади. Безак катталиги бир хил бўлган анча йирик иккита тўпгулдан иборат, улардан бири дўппининг гардишига, иккинчиси эса тубига жойлаштирилади. Битта намунада бир нечта турли чокдан фойдаланилади. Тўпгул баланд каварик кашта тикиш усулида бажарилади, бунда фойдаланиладиган пахта таглик хажмийлик эффектини яратади; тарх «канда хаёл» чокининг каварик юза ҳосил қиладиган тури билан сидиргасига копланеди.

«Кизил гул» дўпписи бадиий жихатдан жуда чиройли, ранглари ҳам ёркин ва яркирок бўлиб, малина рангидаги тўпгул баргларининг турли тусдаги яшил ранги ҳамда тўпгулни янада жололантириб турадиган оч-яшил ёки оппок тархи билан ажралиб туради. Гардиши тўк-кора рангдаги баҳмал билан айлантириб тикиб чиқилади.

XX асрнинг 50-йилларига келиб Тошкентда ишлаб чиқилган ва ҳош шаклидаги чок билан тикилган дўппи айниқса оммалашди. Бу дўппи беагининг асосий элементини ён томонда тасвирланган атиргул бутоги ташкил этарди. Атиргул одатда тўк-кизил ипак билан тикилган, тўк-пушти рангдан ҳам фойдаланилган. Аксарият ҳолларда ок, баъзан оч-яшил рангдаги тарх ҳам сидиргасига тикилади.

Тошкент ироқи дўппиларининг илк намуналарида атиргул бирмунча йирик бўлиб, дўппи тепасининг анчагина қисмини эгалларди, кейинчалик кашталарга бошқа мотивлар ҳам киритилди, яъни гул композициясига ипак курти капалақларини кирита бошладилар ва бу безак «капалақ нусха» номини олди. Атиргул билан бир каторда композициянинг асосий мотиви сифатида дўппи марказида йирик гул — саргиш-сиёҳрангдаги капалақгул пайдо бўлди. Бу дўппилар учун безак элементларига ёзувлар, яъни дўппи эгаси ёки чевар номининг бош ҳарфлари киритила бошлади.

Дўппи тайёрлаш халқ декоратив санъати анъаналарини яхши эгаллаган бўлишни ҳамда юқори маданиятни талаб этади. Шунинг учун ҳам бу дўппилар одатда малакали рассом-декораторлар томонидан яратилади.

XIX аср охири - XX аср бошларида Фаргона водийсида дўппининг бир нечта турлари мавжуд бўлган. 1940-50 йилларда ироқи нусха дўппилари турли рангдаги ипак билан тикилган бўлиб, уларга гуллар, қушлар ва ҳайвонлар тасвири туширилган. Эраққлар бундай дўппиларни байрам ва тўйларда қийганлар, шунинг учун ҳам уларни «қуёв дўппи», «наврўз гули» деб ҳам аташган.

Кейинчалик аёлларнинг оч қумушсимон рангдаги парчадан тикилган тўрт қиррали дўппиларининг янги типи пайдо бўлди, унинг ҳар бир бўлагида гуллаб турган буточка тасвири тикилган. Бундай шакл, яъни очик фон Фаргона, шунингдек, Тошкент анъаналарига тўғри келади.

XIX аср Самарқанд дўппилари учун безакларнинг турли-туманлиги ва нозиклиги, ранглар уйғунлигининг сиполиги ва мулойимлиги ҳосдир. XX асрда тайёрланган дўппилар ранглар уйғунлигининг маънодорлиги билан ажралиб туради. Самарқандда тайёрланган

аёллар дўппилари ичида оч кумушсимон ёки зархал парчадан тайёрланган дўппилар ажралиб туради. Уларнинг тепа кисми диагонали бўйича кора йўлчалар билан аник тўрт бўлакка бўлинган ва хар бир бўлакка гуллаб турган бутокчалар тасвири кашта билан туширилган.

Бухоронинг «каллапўши бухори» деб аталадиган дўппилари бошка минтакаларнинг дўппиларидан факат номи билан эмас, балки бир катор ўзига хос белгилари билан ҳам ажралиб туради. Уни одатда сидирга бахмал ёки духоба матодан тикишган ва аксарият холларда матоларнинг кора ёки тўк яшил рангларидан фойдаланишган. Дўппининг четлари сидирга жияк ёки «зех» деб аталадиган тўкима тасма билан копланган.

Юлдуз ГАЙБУЛЛАЕВА

"Мозийдан садо"